

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.04.2023.Tib. 160.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ИСКАНДАРОВА ПРОДА МАШРАБЖОН ҚИЗИ

**ЎПКА ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА ХАВФЛИ ЎСМАНИНГ КОМОРБИД
КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШДАГИ МУРАККАБЛИКЛАР**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Искандарова Ирода Машрабжон қизи

Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсманинг

коморбид кечишининг клиник, диагностик

хусусиятлари ва даволашдаги мураккабликлар.....3

Искандарова Ирода Машрабжон қизи

Клинические, диагностические особенности

и сложности в лечении коморбидного течения

туберкулёза легких и злокачественной опухоли25

Iskandarova Iroda Mashrabjon qizi

Clinical and diagnostic features and difficulties

of treatment of comorbid course of pulmonary

tuberculosis and malignant tumors49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/01.04.2023.Tib. 160.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ИСКАНДАРОВА ИРОДА МАШРАБЖОН ҚИЗИ

**ЎПКА ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА ХАВФЛИ ЎСМАНИНГ КОМОРБИД
КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШДАГИ МУРАККАБЛИКЛАР**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2379 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tbcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усмонов Исомиддин Хайдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Файзуллаева Дилфуза Бахадировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мухамедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университетети

Диссертация ҳимояси академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.160.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100086, Тошкент ш., Мажлисий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99871) 278-04-70., www.tbcenter.uz)

Диссертация билан академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100086, Тошкент ш., Мажлисий кўчаси, Тел./Факс: (+99871) 278-04-70.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли

Н.Н. Парпиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Абдуганиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.С. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТнинг 2022 йилги ҳисоботга кўра, «...2021 йилда жами 1,6 миллион киши туберкулёздан ва 9.6 миллион одам хавфли ўсма касаллигидан вафот этган бўлиб, хавфли ўсма касалликлари ва туберкулёз касаллиги инсон ҳаётига зомин бўлиб келаётган ўнта юқори хавф гуруҳига кирувчи касалликлардан бўлиб келмоқда...»¹. Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма касаллигининг коморбид учраши бутун дунёда тарқалиб бораётган туберкулёз касаллигини назоратини амалга ошириш, хавфли ўсма касалликларини эрта аниқлаб, давонинг самарадорлигини ошириш умумжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси томонидан белгиланган мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма касалликлари коморбид кечганда, касалликнинг клиник кечиши мураккаб кечиб, ташхислашда бир мунча қийинчилик туғдириши ва беморларнинг бу икки оғир касалликдан бирининг кеч аниқланишига сабаб бўлиши, ҳамда даволашдан кейинги самарадорликнинг пасайишига, летал оқибатларнинг ошишига, туберкулёз микобактериясининг тарқалишига сабабчи ҳисобланади. Шунинг учун ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсманинг коморбид ҳолатларини эрта ташхислаш, санитар-эпидемиологик ҳолатни белгилаш ва даволаш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда онкологик касалликлар ва ўпка туберкулёзини эрта ташхислаш, касалликни хар хил клиник шакллари ривожланишини ўз вақтида аниқлаш, санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ва адекват даволаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, туберкулёз микобактериясининг ва хавфли ўсма ҳужайрасининг биологик хусусиятларини аниқлаш, махсус ўсмага ва туберкулёзга қарши дори воситаларига таъсирини аниқлаш, касалликни клиник кечишини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ташхис қўйишда замонавий молекуляр-генетик, иммуногистохимёвий услубларни амалиётга кенг қўллаш, коморбид кечаётган ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмага чалинган беморларда касалликни эрта аниқлаш, махсус даво услубларини ҳамда санитар-эпидемиологик тадбирларни ўз вақтида самарали ишлатиш масалалари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, онкологик ва юқумли касалликлар, жумладан, туберкулёз касаллигини даволаш ва олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, аҳоли ўртасида онкологик ва туберкулёз касаллигини камайтириш учун фаол профилактика ишлари юзасидан самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, «... аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, сифати ва қулайлигини ошириш, жумладан, намунавий тиббиёт тизимини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва самарали тиббий кўрик модели, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш

¹ World Health Organization, Global tuberculosis report. - 2022. <http://www.who.int>.

ва касалликларнинг олдини олиш...»² каби тегишли вазифалар белгиланди. Юқоридаги вазифаларни бажариш онкологик ва туберкулёз касаллигини эрта аниқлаш, ўсма хужайрасини ва туберкулёз микобактериясини тарқалишининг хавф омиллари бўлган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва касаллик ривожланишининг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 27 майдаги ПҚ – 5130 – сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2023 йил 1 январдаги ПҚ-12-сон «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда турли локализацияларнинг ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмасининг коморбид келиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Саратон касаллигидаги паст иммун ҳолат, ўсмага қарши терапиянинг иммуносупрессив таъсири натижасида инфекцияга қарши барьерларнинг сустлашуви оқибатида латент туберкулёз инфекциясининг фаоллашуви содир бўлади (Jacobs R. E., Gu P., Chachoua A., 2015; Seo G.H., Kim M.J., 2016). Саратон касаллигини даволашда иммунитетни назорат қилувчи тизим ингибиторларини олган беморларда туберкулёзнинг ривожланиши ҳақида маълумотлар мавжуд (Yuba T., Hatsuse M., Kodama M., Uda S., Yoshimura A., Kurisu N., 2016)

Маҳаллий ва МДХ олимларининг ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра, туберкулёз ва хавфли ўсма билан оғриган беморларда ташхис қўйиш, даволаш тактикасини танлашда молекуляр генетик ҳамда бактериологик, шунингдек биопсия материални гистологик текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Белова О.С., Комаров Г., 2018). Ўлган беморларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатдики, саратон билан биргаликда фаол туберкулёз касаллиги 50 ёшдан ошган эркакларда кўпроқ кузатилган. Ўпка саратони ва ўпка туберкулёзи биргаликда келганда, саратоннинг туберкулёздан кейинги цирроз ва фиброз-ковакли шакллариининг фиброз

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

тўқималарида кўпроқ ривожланади. Бундай ҳолатларда саратон касаллиги кўп ҳолларда беморларнинг ўлимига сабаб бўлган. Илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар бугунги кунда саратон ва туберкулёз касаллигининг комбинацияси тарқалишининг кўпайиши учун жиддий шартлар мавжуд деган хулосага келишга имкон беради ва бу билан боғлиқ эпидемиологик муаммолар муҳим аҳамият касб этади (Комиссарова О.Г., Михайловский А.М., Абдуллаев Р.Ю. 2019). Турли профилдаги тиббиёт мутахассисларининг мунтазам амалиётида амалдаги меъерий-ҳуқуқий базадан фойдаланиш, силга қарши ва онкология диспансерлари билан қўшма услубий ишлар, телемедицина каби алоқаларининг ривожланиши кеч ва асоратланган ҳолатларда ташхис қўйишининг олдини олишга имкон яратади (Наумов А.Г. и соавт., 2020).

Даволаш фонида ўпка туберкулёзи билан оғриган беморларнинг деярли 90%ида дориларнинг ножўя таъсири кузатилиб, биринчи марта аниқланган беморларнинг 60-80% да даволаниш жараёнида кимётерапия схемасини ўзгартириш ёки уни вақтинча бекор қилишга сабаб бўладиган ножўя таъсирлар юзага келади. Ўпка туберкулёзини даволашда юзага келадиган дори воситаларининг асоратлари, бемор ва шифокорнинг даво жараёнида ҳамкорлигини шакллантиришга жиддий тўсқинлик қилиши, давонинг клиник ва иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада пасайтириши, ҳамда муваффақиятсиз даво, баъзи ҳолларда эса летал оқибатлар кузатилади. Рифампицинга чидамли туберкулез ва MDR-TB глобал миқёсдаги энг катта таҳдидлардан биридир (Парпиева Н.Н., Хамраев А., 2016). Умуртқа поғонаси туберкулёзи ва умуртқа поғонаси ўсмалари коморбид келганда дифференциал диагностика (Парпиева Н.Н., Тилляшайхов М.Н., Махмудова З.П., Назиров П.Х., 2023).

Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма билан хастланган беморларда туберкулёз кўзғатувчисининг дорига резистентлигини ҳисобга олган ҳолда ва онкологик махсус даволарни комплекс тартибда ўтказиш давонинг самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2023PhD 182) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2022-2026й.).

Тадқиқотнинг мақсади ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмалар коморбид кечганда диагностика ҳамда даволаш услубларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма коморбид кечишидаги клиник хусусиятларни ва ташхислашдаги мураккабликларни аниқлаш;

ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма касалликларининг клиник кечиши, даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва патоморфологик материалларни иммуногистохимёвий услубларда асослаш;

ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид кечишини эрта аниқлашда замонавий диагностика (клиник-лаборатор, инструментал, замонавий нур диагностика, бактериологик, молекуляр генетик ва морфологик) усулларининг самарадорлигини ўрганиш, ҳамда иммун ҳужайралар маркерлари CD45, CD56 ҳолатини иммуногистокимёвий услубларда баҳолаш ва уларнинг аҳамиятини исботлаш;

ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмалар коморбид кечган беморларни даволашда санитар-эпидемиологик тартибларни ва комплекс даволаш услубларини интеграциялаш;

ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмалар коморбид кечганда даволашдан кейинги натижаларни таҳлил қилиш ва даво услубларининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоят филиалларида стационар шароитда даволанган ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсманинг коморбид учраган, ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма касалликлари бўлган 135 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўпка туберкулёзи, хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи билан хавфли ўсма коморбид келган беморлардан олинган биологик суюқликлар (балғам, қон), гистологик препаратлар, бактериологик (бактериоскопия, экиш ва молекуляр-генетик) ва нур ташхисоти (рентгенография, мультиспиралли компьютер томография, магнит резонанс томография) материаллари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-лаборатор, инструментал, бактериологик, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид кечишида клиник белгиларининг мураккаб ва ўзгарувчан кечиши, тезкор прогрессияланиши, юқори эпидемиологик аҳамиятли ва қайтмас органик ўзгаришли, леталь оқибатларга олиб келувчи асоратларнинг ривожланиши исботланган;

илк бор хавфли ўсма ҳамда ўпка туберкулёзи тўқималаридаги CD45 ва CD56 маркерининг экспрессияланиш даражаси иммуногистокимёвий услубда қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур маркерларнинг ўпка туберкулёзида юқори эканлиги исботланган;

илк бор хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечган ҳолатларда Т-лимфоцитлар сонининг кескин камайиши ҳамда иммун тизимда жиддий етишмовчиликлар мавжудлиги, ўпка туберкулёзига ва хавфли ўсмаларга нисбатан CD45, CD56 маркерларининг кескин пасайганлиги иммуногистокимёвий текширувда исботланган;

илк бор ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма коморбид кечганда, ўсмага қарши ва туберкулёзга қарши давони бир вақтда комплекс равишда

иммунотерапия фонида ўтказиш хавфсиз, самарадор ва адекват даво тактикаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсма коморбид кечганда касалликнинг клиник кечишидаги ўзига хослик ўрганилиб, эрта ташхис қўйишга қаратилган ёндашувлар ишлаб чиқилган;

ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсма коморбид кечганда туберкулёз микобактериясининг онкологик беморлар орасида тарқалиш эҳтимоли юқори бўлиб, онкологик муассасада санитар-эпидемиологик меъёрларни тўғри қўллаган ҳолда, комплекс равишда ўсмага ва туберкулёзга қарши махсус даво ўтказиш мумкинлиги аниқланган;

жараёндан олинган микропрепарат иммуногистокимёвий услубда текширилганда, ўпка туберкулёзида хавfli ўсма касаллигига нисбатан иммун тизимида иммун хужайраларнинг дефицити камроқ кузатилиб, бунда CD45 ва CD56 маркерларининг миқдори юқори бўлиши аниқланган;

ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсма коморбид кечган беморларнинг микропрепарати иммуногистокимёвий услубда ўрганилиб, патологик тўқимадаги иммун хужайраларнинг CD45 ва CD56 маркерларининг жуда паст даражада бўлиши аниқланган бўлиб, даволашда иммун тизимни стимулловчи терапия қўллаш самарадорлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсманинг коморбид учрагандаги жиҳатларининг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсманинг клиник хусусиятларини ўрганишдан олинган маълумотларга, касалликнинг коморбид кечишини аниқлашда клиник-лаборатор, бактериологик (бактериоскопик, эхма: қаттиқ озиқа муҳитида - Левенштейн-Йенсен ва суюқ озиқа муҳитида - ВАСТЕС MGIT 960), молекуляр-генетик (Gen-Expert MTB/RIF, Hain test), морфологик (цитологик, гистологик ва иммуногистокимёвий) текширувларда ТМБ ва хавfli ўсма хужайрасининг топилиши, беморларнинг ўпкасида ва ўсма зарарлаган бошқа аъзолардаги тўқимада иммун хужайраларнинг тўқима макрофаглариининг меъёрдан камайиб кетиши, CD45 ва CD56 маркерларининг миқдорининг камайиши яъни касалликни оғир кечишига, даволашдаги ижобий натижаларга салбий таъсир этувчи омилларларнинг доминантлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, хавfli ўсма ва ўпка туберкулёзининг коморбид кечишидаги клиник хусусиятларининг изоҳи, онкологик беморлар орасида ТМБнинг тарқалишини олдини олишдаги санитар-эпидемиологик тавсиялар, махсус онкологик ва туберкулёзга қарши ўтказиладиган комплекс давонинг тартиби, даволашда султалашган иммун

хужайраларнинг фаолиятини кучайтирувчи иммуностимулятор дориларнинг қўлланилиши каби чора-тадбирларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши оғир асоратларни, шунингдек летал оқибатларнинг камайишини таъминлаган, ушбу касалликни даволашда, профилактикасида самарали ва қулай усулларидадан фойдаланиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсманинг коморбид кечишининг клиник, диагностик хусусиятлари ва даволашдаги мураккабликлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид кечишида клиник белгиларининг мураккаб ва ўзгарувчан кечиши, тезкор прогрессияланиши, юқори эпидемиологик аҳамиятли ва қайтмас органик ўзгаришли, леталь оқибатларга олиб келувчи асоратларнинг ривожланиши исботланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 13 майида 24-м/108-сон билан тасдиқланган “Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларни коморбид кечишида даволаш усуллари оптималлаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 18 сентябрдаги №01/367-сонли буйруғи, Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 30 июльдаги №58-сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 2024 йил 10 сентябрдаги №101-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 16 ноябрдаги №122-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги №14/28-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзининг коморбид кечишидаги клиник хусусиятларини кўрсатиб берилиши ташхис қўйишни осонлаштиради, касаллика кечикиб, асоратланган босқичларда ташхис қўйилишини ва оғир асоратларни, летал оқибатларни ва онкологик беморлар орасида туберкулёз микобактериясининг тарқалишини олдини олган, ушбу касалликларни эрта ташхислашда ва адекват даволашда самарали ҳамда қулай усулларидадан фойдаланиш имконини берди.

Иқтисодий самарадорлиги: беморларда этиопатогенетик асосланган ва комплекс даво ўз вақтида қўллаш орқали қўшимча асоратларни ва туберкулёз микобактериясини тарқалиши олди олиниб ҳар 1 нафар бемор учун давлат бюджетидан 80450000 сўм атрофида иқтисод қилинган. *Хулоса:* илк бор ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид кечишида клиник белгиларининг мураккаб ва ўзгарувчан кечиши, тезкор прогрессияланиши, юқори эпидемиологик аҳамиятли ва қайтмас органик ўзгаришли, леталь оқибатларга олиб келувчи асоратларнинг ривожланиши исботлангани натижасида ушбу касалликларни эрта ташхислашда ва адекват даволашда самарали ҳамда қулай усулларидадан фойдаланиш имконини берган, қўшимча асоратларни ва туберкулёз микобактериясини тарқалиши олди олиниб ҳар 1 нафар бемор учун давлат бюджетидан 80450000 сўм атрофида иқтисод қилинган ва беморлар ҳаёт сифати яхшилانган.

иккинчи илмий янгилик: илк бор хавфли ўсма ҳамда ўпка туберкулёзи тўқималаридаги CD45 ва CD56 маркерининг экспрессияланиш даражаси иммуногистохимёвий услубда қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур маркерларнинг ўпка туберкулёзида юқори эканлиги исботланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 1 июнда 24-м/004-сон билан тасдиқланган “Хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечганда патологик соҳанинг иммуногистохимёвий ўзгаришларини аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Ушбу янгилик Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 18 сентябрдаги №01/368-сонли буйруғи, Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 30 июльдаги №59-сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 2024 йил 10 сентябрдаги №100-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 16 ноябрдаги №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги №14/28-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи касалликларида патологик соҳалардаги морфологик ўзгаришларнинг хусусиятларини замонавий иммуногистохимёвий услубда ўрганилган ва олинган натижалар организмнинг иммун ҳужайраларининг фаолиятини белгилашда хизмат қилган, ташхислашнинг ва даволаш самарадорлигини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи патологик соҳалардаги морфологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш онкологияда ҳамда фтизиатрияда салбий асорат ва оқибатларни олдини олишга имконият яратади. Хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи касалликларида патологик соҳалардаги морфологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш усулининг қўлланилиши морфологик текширишларда иммуногистохимёвий услубларда оптималлаштириш 2040000 сўм атрофида маблағни тежалишини кўрсатди. *Хулоса:* илк бор хавфли ўсма ҳамда ўпка туберкулёзи тўқималаридаги CD45 ва CD56 маркерининг экспрессияланиш даражаси иммуногистохимёвий услубда қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур маркерларнинг ўпка туберкулёзида юқори эканлиги исботланганини натижасида 2040000 сўм атрофида маблағни тежаш имкони яратилган ва натижада ташхислаш ҳамда даволаш самарадорлиги ошган.

учинчи илмий янгилик: илк бор хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечган ҳолатларда Т-лимфоцитлар сонининг кескин камайиши ҳамда иммун тизимда жиддий етишмовчиликлар мавжудлиги, ўпка туберкулёзига ва хавфли ўсмаларга нисбатан CD45, CD56 маркерларининг кескин пасайганлиги иммуногистохимёвий текширувда исботланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 1 июнда 24-м/004-сон билан тасдиқланган “Хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечганда патологик соҳанинг иммуногистохимёвий ўзгаришларини аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Ушбу янгилик Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 18 сентябрдаги №01/368-сонли буйруғи, Навоий вилоят

фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 30 июльдаги №59-сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 2024 йил 10 сентябрдаги №100-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 16 ноябрдаги №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги №14/28-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* хавfli ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечганда патологик соҳалардаги морфологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш ҳамда иммуногистокимёвий услубнинг қўлланилиши коморбид кечган бу касалликларни ташхислашда ва даволашда, айниқса, касалликнинг кечишини ва оқибатини башоратлашда муҳим аҳамият касб этади, олинган натижалар ушбу тоифадаги беморларга комплекс даво услубларининг самарадорлигини оширади, оғир асоратларни ҳамда летал оқибатларни камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* хавfli ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечганда патологик соҳалардаги морфологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш салбий асорат ва оқибатларни олдини олишда муҳим имконият яратади. Хавfli ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечганда патологик соҳалардаги тўқималарни морфологик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашда иммуногистокимёвий усулнинг қўлланилиши морфологик текширишларни иммуногистокимёвий услубларда оптималлаштириш 2040000 сўм атрофида маблағни тежалишини кўрсатди. *Хулоса:* илк бор хавfli ўсма ва ўпка туберкулёзи коморбид кечган ҳолатларда Т-лимфоцитлар сонининг кескин камайиши ҳамда иммун тизимда жиддий етишмовчиликлар мавжудлиги, ўпка туберкулёзига ва хавfli ўсмаларга нисбатан CD45, CD56 маркерларининг кескин пасайганлиги иммуногистокимёвий текширувда исботланиши ҳисобига бюджет маблағларини 2040000 сўм атрофида тежаш, беморларга комплекс даво услубларининг самарадорлигини ошириш ва оғир асоратларни ҳамда летал оқибатларни камайтириш имкони яратилган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсма коморбид кечганда, ўсмага қарши ва туберкулёзга қарши давони бир вақтда комплекс равишда иммунтерапия фонида ўтказиш хавфсиз, самарадор ва адекват даво тактикаси эканлиги исботланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 13 майда 24-м/108-сон билан тасдиқланган “Ўпка туберкулёзи ва хавfli ўсмаларни коморбид кечишида даволаш усулларини оптималлаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Ушбу янгилик Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 18 сентябрдаги №01/367-сонли буйруғи, Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 30 июльдаги №58-сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 2024 йил 10 сентябрдаги №101-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 2024 йил 16 ноябрдаги №122-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 мартдаги №14/28-сон

хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзининг коморбид кечганда туберкулёзга ва хавфли ўсмага қарши давони комплекс равишда бемор организмининг иммун тизимини рағбатлантируви даво фонид олиб борилиши давонинг юқори самарадорлигини кўрсатган, онкологик беморлар орасида туберкулёз микобактериясининг тарқалишини олдини олишда, иммун тизимдаги етишмовчиликларни тиклашда, оғир асоратларнинг ривожланишини, шунингдек летал оқибатларнинг камайишини таъминлаган, таклиф этилган янгилик ушбу касалликларни даволашда самарали ва қулай усулларида фойдаланиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги*: хавфли ўсма ва ўпка туберкулёзининг коморбид кечганда иммунтерапия фонид туберкулёзга ва хавфли ўсмага қарши давони комплекс равишда қўлланилиши беморларнинг туберкулёз микобактерия ажратишини тўхтатади ва юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир бемордан 3714000 сўм атрофида иқтисод қилинган. *Хулоса*: илк бор ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсма коморбид кечганда, ўсмага қарши ва туберкулёзга қарши давони бир вақтда комплекс равишда иммунтерапия фонид ўтказиш хавфсиз, самарадор ва адекват даво тактикаси эканлиги исботланиши ҳисобига ҳар бир бемор учун 3714000 сўм атрофида иқтисод қилиш, даво самарадорлигини ошириш, касаллик тарқалишини олдини олиш, иммун тизим етишмовчилигини тиклаш, оғир асоратлар, летал оқибатларни камайтириш, ўрин-қунлар сонини қисқартириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини берган.

И.М. Искандарованинг «**Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсманинг коморбид кечишининг клиник, диагностик хусусиятлари ва даволашдаги мураккабликлар**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Абу Али Ибн Сино Номидаги Бухоро Давлат Тиббиёт Институтининг 2025 йил 7 январдаги 04/123– сон хати соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола ва 2 та услубий қўлланма чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва

технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлари ва амалий натижалари ҳамда олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид кечишининг замонавий ҳолати (Адабиётлар шарҳи)» деб номланган **биринчи бобида** тегишли адабиётларни ўрганиш натижасида ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид учраши, этиологияси, патогенези ва даволаш ҳақидаги асосий илмий қарашлар таҳлил қилинган. Бу бобда адабиётлар маълумоти умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва услублари» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва уларни ўрганиш жараёнида қўлланилган тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқотда 135 нафар беморнинг касаллик тарихи маълумотлари ўрганилган бўлиб, улар Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказида, Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказида, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоят филиалларида 2010-2023 йилларда стационар шароитда даволанишган. Хавфли ўсмалар ва ўпка туберкулёзи биргаликда коморбид кечган 75 (55,6%) бемор асосий гуруҳни, 60 (44,4%) бемор эса назорат гуруҳини ташкил этди. Назорат гуруҳида 30 (22,2%) бемор хавфли ўсмалар билан, қолган 30 (22,2%) бемор эса ўпка туберкулёзи билан касалланган.

1 - жадвал

Беморларининг жинси ва ёшига қараб тақсимланиши

Жинси	Беморлар сони	18-44 ёш	45-59 ёш	60-74 ёш	75-90 ёш	90 ёшдан катта
Эркак	75 (55,6%)	12 (8,9%)	24 (17,8%)	31 (23,0%)	7 (5,2%)	1 (0,7%)
Аёл	60 (44,6%)	15 (11,1%)	22 (16,3%)	19 (14,1%)	4 (3,0%)	-
Жами	135 (100%)	27 (20%)	46 (34,1%)	50 (37,0%)	11 (8,1%)	1 (0,7%)

Беморларнинг ёши 18-93 ёшгача бўлиб, ўртача $54,9 \pm 2,2$ ёшни ташкил қилди. Эркаклар 1,25 баравар кўп касалланган.

105 (100%) нафар ўпка туберкулёзи бўлган беморда ташхисни тасдиқлаш учун 66 (62,9%) ҳолатда **бактериоскопик усулда** - балғам суртмасини Циль-Нельсен усули ёрдамида ёки аурамин билан ишлов берилиб, текширилди ва ТМБ аниқланди.

Экма (культурал) усул бир қатор устунликларга эга бўлиб, патологик материалда тирик ТМБнинг кам миқдорда бўлганида ҳам, уни аниқлаш имконига эга. 1 мл текширув материалида 20 тадан 100 тага яқин тирик

микобактерия бўлса, мусбат натижа олинади. 48 (45,7%) ҳолатда патологик маҳсулот экма усулида текширилди. Бу усул ёрдамида ТМБнинг соф культурасини ажратиш олиш ва қўзғатувчининг дориларга резистентлигини аниқлаш мумкин.

Левенштейн-Йенсеннинг қаттиқ озиқа муҳитида экиш – 38 (79,2%) ҳолатда бажарилди ва шундан 34 (89,5%) ҳолатда туберкулёз микобактерияси колониясининг ўсиши кузатилди. ВАСТЕС MGIT 960 суюқ муҳитида эса – 10 (20,8%) беморнинг балғами экилди ва 7 (70,0%) ҳолатда мусбат натижа олинди.

Молекуляр-генетик усул – ПЗР (полижанжир реакцияси) диагностикаси 92 (87,6%) ҳолатда қўлланилди. Gene/Xpert аппаратида 70 (66,7%) беморда ўтказилди ва шундан 68 (97,1%) ҳолатда, HAIN test аппаратида эса, 22 (100%) бемор текширилиб, 100% туберкулёз микобактериясининг ДНКси аниқланди ва ТМБнинг туберкулёзга қарши дориларга сезгирлик аниқланди.

Ўпка туберкулёзи мавжуд бўлган 105 (100%) бемордан 77 (73,3%) ҳолатда ТМБ мусбат натижа берган, шундан 69 (89,6%) ҳолатда туберкулёз микобактериясининг дориларга сезгир - S, 8 (10,4%) ҳолатда эса, ТМБ нинг резистент – R шакли аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўпка туберкулёзи ҳамда хавфли ўсмаларнинг замонавий шароитдаги ташхисоти ва даволаш услублари»** деб номланган. Хавфли ўсма касалликлар билан 30 (100%) ва ўпка туберкулёзи билан 30 (100%) беморда касалликнинг кечиши, клиник белгилари, ташхисоти, даволаш услублари ва даводан кейинги натижалар тўлиқ ўрганилди.

ХЎ ошқозон – ичак тизими аъзоларида – 10 (33,3%), тери ва бириктирувчи тўқима хавфли ўсмалари – 6 (20,0%), жинсий аъзоларнинг ХЎ лари – 4 (13,3%), нафас олиш тизими аъзоларида – 3 (10,0%) беморда, эндокрин тизимда – 3 (10,0%) ва камроқ ҳолатларда лимфа тизимида - 2 (6,7%) та, бирламчи ўчоғи номаълум ХЎ ҳамда сийдик-айирув тизими аъзоларининг зарарланиши – 1 (3,3%) беморда аниқланди.

43,3% ҳолатда хирургик даво консерватив даво услублари билан комбинациялашган тартибда қўлланилди. 70,0% ҳолатда – поликимё терапия, 16,7% – нур терапияси, 53,3% - иммунотерапия, 6,7% - бисфосфанатлар, 6,7% беморда симптоматик даво ўтказилди.

Касаллик $46,7 \pm 4,3\%$ ҳолатда ўпка туберкулёзининг кечиккан яъни емирилиш, тарқалиш ва емирилиш+тарқалиш босқичларида бўлган.

Диссертациянинг **«Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг коморбид ҳолатида ташхислаш ва даволаш услубларини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи боби бу икки касаллик коморбид кечган ҳолатларда диагностика, даволаш ва эпидемиологик муаммоларни ечишга бағишланган. Хавфли ўсмалар ва ўпка туберкулёзнинг коморбид кечиши аниқланган - 75 (100%) нафар беморда касаллик ҳақидаги барча маълумотлар ўрганилган. Беморларнинг – 41 (54,7%) нафарини эркаклар ва 34 (45,3%) нафарини аёллар ташкил қилишди. Беморларнинг ўртача $57,8 \pm 2,2$ ёшни ташкил қилди.

Ўпка туберкулёзи ва хавфли ўсмаларнинг учраши

№	Ташхис	умумий сонда	%
1	Ҳикқилдоқ саратони+ЎТБ	1	1,3 ±0,2%***
2	Тери саратони+ЎТБ	4	5,3±0,7%**
3	Лимфа тугунларнинг хавфли ўсмаси+ЎТБ	2	2,7±0,3%**
4	Қулоқ олди сўлак беши саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
5	Сут беши саратони+ЎТБ	8	10,7±1,3%***
6	Тухумдон саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
7	Йўғон ичак саратони+ЎТБ	4	5,3±0,7%*
8	Кўкс оралиғи хавфли ўсмаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
9	Қовуқ саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
10	Қалқонсимон без саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
11	Жигар хавфли ўсмаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
12	Ўпка саратони+ЎТБ	27	36,0±3,5%***
13	Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%**
14	Ошқозон саратони+ЎТБ	5	6,7±0,8%***
15	Ошқозон ости беши саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
16	Бурун-ҳалқум+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
17	Тил саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
18	Юмшоқ тўқима саркомаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%*
19	Қизилўнгач саратони+ЎТБ	3	4,0±0,5%***
20	Тимус хавфли ўсмаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
21	Бачадон бўйни саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
22	Бирламчи ўчоғи номаълум хў+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
23	Бош мия саратони+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
24	Плевра мезателиомаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
25	Қорин орти бўшлиғи хавфли ўсмаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
26	Бел умуртқаси ретикулосаркомаси+ЎТБ	1	1,3±0,2%***
27	Ҳикқилдоқ-ҳалқум саратони+ЎТБ	3	4,0±0,5%***
	Жами	75	100%

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$; *** - $p < 0,001$.

Ўпка туберкулёзи билан коморбид ҳолатда энг кўп ўпка саратони – 27 (36,0%), сут беши саратони - 8 (10,7%), ошқозон саратони – 5 (6,7%), тери ва йўғон ичак саратони – 4 (5,3%) бемордан аниқланди.

Хў+ЎТБ билан касалланганларнинг – 1/4 қисмида касаллик белгилари 1 ой ичида, 45,3% ида – 3 ой ичида ривожланган, 62,7% ида 6 ой давомида ва 77,4% ида касаллик 1 йил давомида ривожланган.

Беморларнинг 29 (38,7%) таси – онкологик муассасаларга, 9 (12,0%) таси – фтизиатрик муассасаларга ва 37 (49,3%) ҳолатда эса умум тизим тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган.

Клиник белгилардан кўп ҳолларда умумий ҳолсизлик – 92,0%, йўтал – 72,0%, тана ҳароратининг меъёрдан кўтарилиши – 49,4%, терлаш – 49,3%,

оғриқ – 46,7% ҳолатда ва қон тупуриш – 42,7% беморда кузатилди. Кўп ҳолларда умумий ҳолсизлик - 3 гуруҳда ҳам 90-100% беморда, нафас етишмовчилиги, оғриқ, озиш, терлаш ва иштаханинг пасайиши -ЎТБ гуруҳида ХЎга нисбатан кўпроқ, қон тупуриш ва қусиш - ХЎ+ЎТБ ва ЎТБда кўпроқ, тана ҳарорати 38° - 70% ЎТБ беморларида кузатилди.

ЎТБ+ХЎ гуруҳ беморларида касалликнинг коморбид кечганлиги сабабли, Карновский шкаласи билан беморларнинг умумий аҳволи ХЎ гуруҳ беморларига нисбатан оғир аҳволдалиги аниқланди, ва паст 60 - 50 баллли ҳолатлар кўпроқ – 62,7% беморда қайд қилинди.

T1 – ҳажмдаги ўсма бирор ҳолатда ҳам аниқланмаган, энг кўп T3 - T4 катталиқдаги ўсма - 52 (69,4%) ҳолатда, регионар лимфа тугунларда жараённинг тарқалиши - 45 (60,0%) ҳолатда ва ўсманинг узоқлашган аъзоларга метастаз бериш ҳолатлари – 17 (22,7%) беморда аниқланди.

Касалликнинг TNM халқаро классификациясига кўра баҳоланди: T₂N₀M₀ – 21 (28,0%), T₂N₂M₀ - 2 (2,7%), T₃N₀M₀ - 9 (12,0%), T₃N₁M₀ - 2 (2,7%), T₃N₁M₁ – 1 (1,3%), T₃N₂M₀ – 6 (8,0%), T₃N₂M₁ - 2 (2,7%), T₄N₁M₀ - 4 (5,3%), T₄N₁M₀ - 13 (17,3%), T₄N₁M₁ – 1 (1,3%), T₄N₂M₁ – 11 (14,7%), T₄N₃M₁ – 3 (4,0%).

Касаллик босқичларига кўра, қуйидагича баҳоланди: I босқич – йўқ, II босқич - 17 (22,7%), III босқич – 27 (36,0%), IV босқич – 31 (41,3%). Касалликнинг биринчи босқичида беморлар аниқланмаган, касалликнинг кечиккан III ва IV босқичларида беморларнинг 77,3% ида ХЎ аниқланган.

Ўнг ўпка туберкулёзи - 31(41,3%), чап ўпка – 28 (37,3%) ва иккала ўпка туберкулёзи - 16 (21,3%) ҳолатларда кузатилди.

3 - жадвал

Ўпка туберкулёзининг клиник шакли ва даврлари бўйича тақсимланиши

Касалликнинг даврлари	Ўпка туберкулёзининг шакли							Жами
	Ўчоқли	Яллиғланган	Тарқоқ	Туберкулёма	Ковакли	Фиброз-ковакли	циррозли	
Яллиғланиш	2 2,7%	6 8,0%	2 2,7%	3 4,0%	2 2,7%	1 1,3%	2 2,7%	18 24,0±2,1%*
Емирилиш	4 5,3%	2 2,7%	3 4,0%	2 2,7%	2 2,7%	1 1,3%	-	14 18,7±1,9%*
Тарқалиш	-	2 2,7%	1 1,3%	-	1 1,3%	3 4,0%	-	7 9,3±0,8%*
Емирилиш ва Тарқалиш	-	7 9,3%	-	-	1 1,3%	-	5 6,7%	13 17,3±1,8%**
Сўрилиш	2 2,7%	11 14,7%	-	-	-	-	10 13,3%	23 30,1±3,0%***
Жами	8 10,7%	28 37,3%	6 8,0%	5 6,7%	6 8,0%	5 6,7%	17 22,7%	75 100%

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$; *** - $p < 0,001$.

Жадвал таҳлил қилинганда, 45,3% ҳолатда ўпка туберкулёзига ҳам кечиккан босқичларда ташхис қўйилган ва стационарга ётқизилган. 30,1±3,0% беморда жараён сўрилиш босқичида бўлган бўлиб, бу беморлар илгари туберкулёзга қарши даволанган, касалликнинг сурункали ҳолатлари цирротик, фиброз-ковакли, ковакли шаклларда бўлган, хирургик даво мақсадида ётқизилган ва шундан сўнг уларда ёмон сифатли ўсма аниқланди.

Коморбид кечаётган ХЎ+ЎТБ 75 (100%) ҳолатдан - 26 (34,7%) тасида патологик ҳосиладан аспирацион, эндоскопик ёки очиқ усулда материал олиниб, суртма тайёрланган ва ўсманинг хужайралари цитологик усулда текширилди. Текширувда “Хавфли ўсма хужайралари” - 20 (26,7%) ҳолатда, “Яллиғланиш элементлари” - 5 (6,7%) ҳолатда ва “Макрофаглар ва кўп ядроли хужайралар” - 1 (1,3%) ҳолатда аниқланди.

Ўпка туберкулёзи ташхисини тасдиқлаш учун - 43 (57,3%) ҳолатда бактериоскопик усулда - балғам суртмасини Циль-Нельсен усули ёрдамида ёки аурамин билан ишлов берилиб, текширилди ва ТМБ аниқланди.

Экма (культурал) усулда - 33 (44,0%) ҳолатда патологик маҳсулот экма усулида текширилди. Левенштейн-Йенсеннинг қаттиқ озиқа муҳитида экиш – 26 (78,8%) ҳолатда ўтказилди ва 24 (92,3%) ҳолатда туберкулёз микобактериясининг ўсиши кузатилди. ВАСТЕС MGIT 960 суяқ муҳитида эса – 7 (21,2%) ҳолатда қўлланилди ва 5 (71,4%) ҳолатда мусбат натижа олинди.

Молекуляр-генетик усул – ПЗР (полизанжир реакцияси) диагностикаси 62 (82,7%) ҳолатда қўлланилди. Gene/Xpert аппаратида 48 (64,0%) беморда ўтказилди ва шундан 47 (97,9%) ҳолатда, HAIN test аппаратида эса, 14 (18,7%) бемор текширилиб, 100% туберкулёз микобактериясининг ДНКси аниқланди. Юқоридаги бактериологик текширувлар натижасига кўра, ўпка туберкулёзи+ХЎ коморбид кечаётган 75 (100%) бемордан - 47 (62,7%) ҳолатда ТМБ ажралаётганлиги аниқланди, 44 (93,6%) ҳолатда туберкулёз микобактериясининг дориларга сезгир – S ва 3 (6,4%) ҳолатда ТМБ нинг резистент – R шакли аниқланди.

53 (70,7%) беморнинг кўкрак қафаси аъзолари рентгенологик усулда текширилган. Текширувда 36 (67,9%) ҳолатда ўпка туберкулёзи, 8 (15,1%) ҳолатда – гидроторакс, 7 (13,2%) ҳолатда - ўпканинг хавфли ўсмаси ва 2 (3,8%) беморда сурункали бронхит хулосаси берилган, 14 (26,4%) ҳолатда эса ўпкалардаги МТС аниқланган.

Бронхоскопия текшируви - 29 (38,7%) беморда ўтказилди, шундан 18 (62,1%) ҳолатда - ёмон сифатли ўсма ва 11 (37,9%) ҳолатда - ўпка туберкулёзи аниқланди.

Компьютер томографияси (КТ ёки МСКТ) диагностика мақсадида 72 (96,0%) беморда ўтказилди, шундан 49 (68,1%) ҳолатда кўкрак қафаси аъзоларини ва 37 (51,4%) ҳолатда эса ўсма жойлашган соҳада ўтказилди. 9 (12,5%) ҳолатда узоклашган метастазлар аниқланди.


Текширувда 36 (50,0%) ҳолатда ўпка туберкулёзи, 9 (12,5%) ҳолатда – гидроторакс, 13 (18,1%) ҳолатда ўпканинг хавфли ўсмаси, 5 (6,9%) ҳолатда – ателектаз, 3 (4,2%) ҳолатда - ўпкада МТС, 2 (2,8%) беморда - сурункали

бронхит, ҳамда 1 (1,4%) ҳолатларда – кўкс оралиғи ўсмаси, ҳиқилдоқ ўсмаси, гидроперикардит ва плевроцирроз хулосаси берилган.


Магнит-резонанс томография (МРТ) – 9 (12,0%) беморда ўтказилган бўлиб, унинг ёрдамида - 6 (66,7%) беморда бирламчи ўсма, 3 (33,3%) ҳолатда эса узоклашган МТС аниқланган.

Позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) – радинуклид томография текшируви - 3 (4,0%) беморда қўлланилди ва барча ҳолатларда бирламчи ўсма, ҳамда - 1 (33,3%) ҳолатда ўмров усти лимфа тугунида ва 1 (33,3%) ҳолатда суяк-скелет тизимида узоклашган МТС аниқланди.



ХЎ+ЎТБ коморбид кечаётган 75 (100%) бемордан – 58 (77,3%) ҳолатда ўсмадан ва патологик жараён соҳасидан олинган материал морфологик текширувдан ўтказилди. Кўп ҳолларда ясси ҳужайрали саратон – 23 (39,7%) ва аденокарцинома – 19 (32,8%) ҳолатда аниқланган бўлиб, 23 (39,6%) ҳолатда ёмон сифатли ўсманинг агрессивлиги пастроқ - G1, G2 шакли, 14 (24,1%) ҳолатда агрессивлиги юқори - G3, G4 шакли аниқланди, 21 (36,2%) беморда ўсма ҳужайраларнинг дифференсацияси аниқланмаган - Gx бўлган.



3–расм. Микропрепарат: тухумдон саратонининг гистологик кўриниши.



4–расм. Микропрепарат: ўпка туберкулёзининг кўриниши




5-расм. Изоҳ: юқоридаги расмда Qipath 4.4.0 дастури таёрланган CD-45 маркерининг морфометрик кўрсаткичлар келтирилган, бу ерда кўк ранг билан негатив бўялган ҳужайралар яъни лимфоцит ҳужайралари бўлмаган ҳужайралар белгиланган, қизил ранг билан эса мусбат экспрессияланган яъни лимфоцит ҳужайралари бўялган.

Иммуногистохимёвий услубда - ХЎ+ЎТБ коморбид кечган – 7 (9,3%), беморда ўсмадан олинган макропрепарат текширилди ва CD-45, CD-56 маркерлари ҳолати ўрганилди. Клиник материалдан 1- мисол, бунда тухумдон саратони ва ўпка туберкулёзи бўлган беморнинг саратон соҳасидан олинган макропрепарат иммуногистохимик текширилиб, лимфоцитларнинг CD-45 маркери аниқланган.

